
Фурқатлик Асилбек Япония ташқи ишлар вазирлиги КҮОТО шаҳри бўлимига Ўзбекистон вакили сифатида тайинланди
Фурқат тумани Томоша шаҳарчасида туғилган 28 ёшли Асилбек Аҳмедов Япония ташқи ишлар вазирлиги КҮОТО шаҳри бўлимига Ўзбекистон вакили сифатида тайинланди

Асилбек Аҳмедов 2016-2020 йилда Тошкент Давлат Шарқшунослик Университетининг японшунослик факултети япон-инглиз тили йўналишини тамомлаган.

Ўқиш давомида 2018-2019 йилда Япониянинг Kyoto чет тиллари университетининг Халқаро алоқалар факултетида малака оширган. 2020 йилда Фурқат туман инвестициялар ва ташқи савдо бўлимида масъул лавозимларда ишлаган.

Бугунга қадар "Mirai" хусусий бандлик агентлиги ва "Furqat Yamato IT academy"да фаолият юритиб келаётганди.

Фурқат тумани ҳокимлиги Асилбекни ушбу масъулиятли вазифа билан қутлаб, мамлакатимиз ривожини учун ситқидилдан меҳнат қилишини тилаб қоламиз.

2022-08-18 20:22:24